



ЎРХОН КАМОЛ ҲИКОЯЛАРИДА ДАВР ВОҚЕЛИГИНИНГ АДАБИЙ ҚАҲРАМОН РУҲИЯТИДА ИФОДАЛАНИШИ

КАБИРОВА НАРГИЗА

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ТДШУ

Аннотация. Мазкур мақолада афгон ҳикоячилигининг забардаст ёзувчиси Раҳнавард Зарёб ижоди, хусусан унинг “Сураткаш муаллим” ҳикояси таҳлил қилинди. Адибни анъанавий афгон носирларидан фарқли ўлароқ кўпроқ инсон кўнглида кечаётган жараёнлар тасвири қизиқтиради. Воқеани эмас, воқеликка нисбатан ички психологик муносабатни ифодалаш устувор ўринда туради. Ёзувчининг бир қатор ҳикояларида инсон руҳиятининг ана шундай жиҳатларини очишга йўналтирилгани билан ажралиб туради. Шу билан бирга ёзувчи қаҳрамон руҳиятида кечаётган жараёнлар ифодасини турли лавҳалар тасвири билан бойитади. Ҳикояни кенгроқ тадқиқ этиш мақсадида ўзбек ёзувчиси Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикояси билан қиёсий ўрганилди.

Таянч сўз ва иборалар: афгон ҳикоячилиги, ўзбек ҳикоячилиги, санъат, таҳлил, рамз, руҳий кечинма, тасвирий восита, фикр, туйғу, қиёсий.

Аннотация. В данной статье анализируются произведения талантливого афганского писателя-повествователя Рахнаварда Заряба, в частности его рассказы «Учитель фотографии». В отличие от традиционных афганских писателей, автора интересует описание процессов, происходящих в сердце человека. Он пытается выразить внутреннее психологическое отношение к реальности, а не к инциденту в приоритете. Для ряда рассказов автора характерно стремление раскрыть такие стороны психики человека. При этом автор обогащает повествование разнообразными сценами, отображающими процессы, происходящие в духе героя. Чтобы расширить сюжет, рассказ сравнили с рассказом узбекского писателя Назара Эшанкула «Человек, который вел обезьяну».

Опорные слова и выражения: турецкий рассказ, жанр, период, творческий прием, стиль, герой, образ, тема, сюжет.

Abstract. This article analyzes the works of the talented writer of Afghan storytelling, Rahnavard Zaryab, in particular, his stories such as “Photography Teacher”. Unlike traditional Afghan writers, the author is interested in a description of the processes taking place in the human heart. He tries to express an inner psychological attitude towards reality rather than incident is a priority. A number of the author's stories are characterized by a desire to uncover such aspects of the human psyche. At the same time, the author enriches the narrative with a variety of scenes, depicting the processes taking place in the spirit of the hero. In order to broaden the story, the story was compared with the story of Uzbek writer Nazar Eshanqul's “The man who led the monkey”.

Keywords and expressions: Afghan storytelling, Uzbek storytelling, art, analysis, symbol, spiritual experience, emotion, comparative.

“Инсон қалби энг нозик, энг таъсирчан, биллурдек покизадир. Қалбга таъсир этувчи восита яна ҳам нозик, яна ҳам покиза, олмосдек сержило, серкирра, бебаҳо бўлмоғи лозим. Халқда аччиқни аччиқ кесар, деган гап бор. Аъзойи баданга тикан кирса, уни (тикандада қаттиқ) игна билан чиқарадилар. Энг қаттиқ жисмлар олмос (қаттиқларнинг қаттиғи) билан қирқилади. Нозик, таъсирчан қалбга яна ҳам нафис, сертаъсир, пок-покиза санъатгина таъсир этиши мумкин.”¹. Дарҳақиқат, “нафис”, “сертаъсир”, “пок-покиза” санъатгина инсон қалбини руҳий жунбишга келтира олади, қалбни денгиз тўфони сингари кучли ларзага солади. Санъатнинг турлари кўп, уни акс эттириш учун турли тасвирий воситалардан фойдаланилади. Хусусан, адабиётнинг тасвирий

¹ Расулов А. Ўзлаштириш эстетикаси ажойиботлари / Бадийлик – безавол янгилик: Илмий-адабий мақолалар, талкинлар, этюдлар. – Т.: “Шарқ”, 2007. –Б.103.



воситаси сўз ҳисобланиб, “адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқинларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқинларни яратмоқдир”¹.

Адабиётшунослиқда инсон руҳиятини тасвирлаш масаласи ҳақида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган, қатор фикрлар ўртага ташланган. Хусусан, адабиётшунос Т.Жўраев ҳам масаланинг айнан шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратади, яъни унинг назарида: “... онг оқими инсон миясининг фаолияти, яъни тафаккур жараёни ҳар хил руҳий ҳолатларда инсон онгининг ҳаракати, ташқи ва ички таъсирларга муносабати, ҳуллас, инсон миясининг текис ва нотекис, узвий ва паришон, онгли ва онгсиз, (инстинкт, одат тарзидаги) доимий ва оний, сокин ёки шиддатли, шаклли ёхуд шаклсиз оқимдан иборат психологик ҳодисадир”². Профессор М.Холбеков тадқиқотида эса куйидаги фикрларга дуч келамиз: “Аммо “онг оқими” бадиий адабиётда – бу фақат муайян йўналишни таърифловчи атама, ўзига хос ижодий услуб ёки тасвирлаш методи эмаслигига алоҳида урғу бермоғимиз лозим. Унинг генезиси (келиб чиқиши), фикр юргизиш тарзи, психологик таҳлили, анланган ва анланмаган, тушунилган ва тушунилмаган, маъноли ва маъносиз, онгли ва ғайришуурий тушунчаларга бориб тақалади. Инсон ички дунёсининг таҳлили, унинг руҳий ҳолатини тасвирлашда бевосита кузатиш ва бирга қайғуриш, унинг кечинмалари билан бирга яшаш, инсон онгининг анланган ва анланмаган ҳаракати ёки оқими янги бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятлари, акс эттириш, тасвирлаш, ифодалаш принципларига айланди”³. Адабиётшунос Ж.Эшонкулов инсон руҳиятидаги ҳиссиёт ва туйғуларни шундай ифода этади: “Инсон руҳияти жуда кенг олам бўлиб, ундаги ҳиссиёт ва туйғулар икки хил шаклда ўзини намоён этади: биринчиси анланган, маълум мантиққа эга, ташқи дунёга нисбатан ўзининг қатъий ҳулоса ва йўналишига эга туйғулар. Бу туйғу инсоннинг жамиятга, одамларга, атроф-муҳитга муносабати ва бу ҳақидаги маълум тушунчага эга бўлган қарашларни ифодалайди; буларнинг барчасини онг синтез қилиб беради, яъни онг бевосита иштирок этади. Иккинчиси, онг ости ҳислари, онгга қалқиб чиқмаган, лекин инсон руҳиятида доимо мавжуд, ташқи дунё билан тинимсиз алоқа қилиб турувчи ҳислар. Бу ҳислар инсон ҳаракати, руҳиятининг асосини ташкил этади”⁴.

Демак, адабиёт сўз воситасида ифодаланар экан, бунда албатта ижодкор ўз асарида “нафис”, “сертаъсир”, “пок-покиза” сўзлар орқали инсон қалбини, руҳиятини “тўлқинлантirmoғи” керак. Ҳозирги адабий жараёнда ана шундай ўз асарлари билан инсон қалбини, руҳиятини забт эта олган ижодкорларимиз кўзга ташланади. Хусусан, ҳозирги афғон адабиётининг фаол ёзувчиларидан бири Рахнавард Зарёб асарлари ҳам инсон руҳий оламига қаратилган бўлиб, у яратган қаҳрамонлар ҳолати инсон қалбидаги туйғуларни тўлқинлантиради. Ёзувчи асосан, ҳикоя жанрида баракали ижод қилди ва “Қўрқинчли туш”⁵, “Фарёд”⁶, “Сехрланган шаҳар”⁷, “Сураткаш

¹ Фитрат А. Адабиёт қоидалари / Танланган асарлар: Ж. IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар (Масъул муҳаррир Б.Қосимов). –Б.13.

² Жўраев Т. Онгокимиватасвирийлик. –Т.: Фан. -1994 –Б.17.

³ Холбеков М. “Онг оқими” – баён шаклими ёки жанр? / XX аср модерн адабиёти манзаралари: мақолалар тўплами. –Т.: MUMTOZ SO‘Z. -2014. –Б.369.

⁴ Эшонкулов Ж. Руҳий таҳлил методи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. 2-сон. 43-б.

⁵ رهنورد زریاب. داستانها. (دزد اسپ). «خواب ترس ناک» - کابل ۱۳۴۸.

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Dozd-e asp). “Xāb-e tarsnāk” – Kābul 1348.]

⁶ رهنورد زریاب. داستانها. (دزد اسپ) «فریاد» کابل ۱۳۴۷

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Dozd-e asp). “Faryād” - Kābul 1347.]

⁷ رهنورد زریاب. داستانها. (شهر طلسم شده) “شهر طلسم شده” کابل ۱۳۴۶.

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Šahr-e telsem šode). “Šahr-e telsem šode” – Kābul 1346.]

муаллим”¹, “Бегул ва бебарг”², “Тобутсоз”³, “Жаноза”⁴, “Девор”⁵, “Бизнинг қишлоғимиз”⁶ сингари кўплаб сермазмун ҳикоялар ёзди. Адиб аксарият ҳикояларида қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини қаламга олди.

Раҳнавард Зарёбнинг “معلم رسم” [Mo‘allem-e rasm] “Сураткаш муаллим” ҳикояси қаҳрамони эса руҳий исканжалар фонида акс эттирилади. Ҳикоя қаҳрамони сураткаш муаллим пессимистик кайфият эгаси, у инсон ҳаёлига келмаган, сир-синаотга бой фикрлари билан атрофидаги ўқувчилар қалбини ларзага солади. У чизган расмларда ҳаётдаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар оқ-қора ранглар тасвирида ифодаланади. Ҳаёт ва ўлим ўртасидаги кураш ҳикояда эпиграф даражасига кўтарилган ва у ҳикоя сюжетида янада яққол акс эттирилган. “Ҳаёт – бу ўлимдан олган қарзимиз” эпиграфи бутун асарнинг ғоявий мазмунини ташкил этади. Муаллим ўқувчиларига дастлаб доскада инсоннинг қаварган қўли ва эскирган енг расмини чизиб беради, ўқувчилар бир ой давомида фақат шу расмни чизишади. Муаллим эса фақат осмонга тикилиб нималарнидир ҳаёл қилади, қандайдир ғалати ўйлар ўйлаб ўйига етолмайди. Ҳикояда муаллимнинг руҳий ҳолати унинг кўз қарашлари ва ғалати ҳаёлларга берилиши билан белгиланади. Воқеа шу зайдда секин-асталик билан ривожланиб боради ва ўқувчилар бу расмни чизишдан зерикади. Муаллимдан бошқа расм чизишни илтимос қилишади. Шунда муаллим доска олдида бориб инсон скелети ва скелет бармоқларининг бир даста гулни ушлаб олган расмини чизиб беради. Ўқувчиларни ажаблантирган бу сурат уларда савол туғдиради, суратнинг мазмун-моҳиятини устозидан сўрашганида у шундай жавоб беради:

معلم گفت:

- نام این تصویر را مرگ بگذارید.

کسی از میان بچه ها پرسید؟

- آن دسته گل را چرا گرفته؟

معلم، به دسته گل، که برگهای ریزه ریزه داشت، خیره شد و زمزمه کرد:

- این گل، زنده گی است.

چیزی نفهمیدیم. گنج کاو شدیم:

زندهگی در دست مرگ است.

معلم، به تصویر خیره شد و شمرده شمرده گفت:

- ها، زندهگی... زندهگی در دست مرگ است. اصلاً از خود مرگ است، آن را از ما پس می گیرد.

دیگر چیزی نگفت. باز هم، نزدیک پنجره رفت و به تماشای آسمان صاف پرداخت. ما رسم را آغاز کردیم.

“Муаллим шундай деди:

- Бу суратнинг номини “Ўлим” деб қўйинг.

Ўқувчилардан бири савол берди:

- У нима учун бир даста гул ушлаб олган?

¹ Рهنورد Зрияб. داستانه. (شهر طلسم شده). «معلم رسم» - كابل ۱۳۴۵

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Šahr-e telsem šode). “Mo‘allem-e rasm” – Kābul 1345.]

² Рهنورد Зрияб. داستانه. (شهر طلسم شده). «بی گل و بی برگ» - كابل ۱۳۴۲

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Šahr-e telsem šode). “Bi gol va bi barg” – Kābul 1342.]

³ Рهنورد Зрияб. داستانه. (سگ و تفنگ). «تابوت ساز» - كابل ۱۳۵۰

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Sag-u tofang). “Tābutsāz” – Kābul 1350.]

⁴ Рهنورد Зрияб. داستانه. (... و باران می بارید). «جنازه» - كابل ۱۳۶۹

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (... va bārān mibārid). “Janāze” – Kābul 1349.]

⁵ Рهنورد Зрияб. داستانه. (شهر طلسم شده). «دیوار» - كابل ۱۳۴۲

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Šahr-e telsem šode). “Divār” – Kābul 1342.]

⁶ Рهنورد Зрияб. داستانه. (شهر طلسم شده). «ده كده ما» - كابل ۱۳۴۵

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Šahr-e telsem šode). “Dehkade-ye mā” – Kābul 1345.]



Муаллим скелет ушлаб олган бир даста гулга қараб секин пичирлади:

- Бу гул – Ҳаёт.

Биз ҳеч нарсани тушунмадик ва яна сўрадик:

- Ҳаёт ўлимнинг қўлидами?

Муаллим расмга разм солди ва салмоқланиб жавоб берди:

- Ҳа, Ҳаёт... ҳаёт ўлимнинг қўлида. Аслида ўлимнинг ўзи ҳаётни биздан олиб қўяди.

У бошқа ҳеч нарса демади ва яна панжара олдиға бориб мусаффо осмонни томоша қила бошлади. Биз эса расмни чиза бошладик.”¹

Кўринадики, ҳикояда қаҳрамоннинг руҳий ҳолати диалоглар орқали ҳам амалга оширилади. Ёзувчи қаҳрамон руҳий ҳолатини қўзғатишда диалоглардан унумли фойдаланган. Шунингдек, бу тасвирда эпиграф моҳияти ҳам кенг маънода талқин қилинади. Бу талқин ҳикояда ўқувчи-бола туши орқали янада ривожлантирилади. Ўқувчини руҳий изтиробга солган бу сурат унинг тушида жонли тарзда гавдаланади. У даҳшатли туш воқеасини шундай баён этади:

شب آن روز، خواب ترس ناکی دیدم: کوچه پیچ در پیچ و تنگی بود. در دوسویش دیوارهای بلند، قد افراشته بودند. معلم رسم مان، در میان کوچه ایستاده بود و دسته گلی در دست داشت که گل برگ های ریزه ریزه داشت. آسمان را مینگریست. ناگهان، همان تصویر روی تخته صنفما، همان اسکلیت، از خم کوچه نمایان شد و به سوی معلم رفت. همان طور استخوانی بود و هیچ گوشت و پوست نداشت. همان طور، دندانهایش از هم باز شده بودند- انگار میخندید. دیگر، اسکلیت دست گلی در دست نداشت. اسکلیت، سوی معلم ما رفت و با آواز خشکی خندید. معلم که او را دید، سخت ترسید اسکلیت، باز هم به او نزدیک تر شد و گفت:

- بده، زندهگی را به من بده!

دانه های عرق، در پیشانی معلم می درخشیدند. نگاهی به دسته گل انداخت و به سینه فشردش. بعد، پس پس رفت. اسکلیت هم به او نزدیک تر شد و گفت:

- گل را بده. زنده گی ات را بده... من خودم آن را به تو دادهام!

“Ўша куни кечаси даҳшатли туш кўрдим: нотекис ва зулматга бурканган кўча. Кўчанинг икки томони баланд девор билан ўралган эди. Устоз кўчанинг қок ўртасида кўлида сўлиган бир даста гул билан осмонга тикилиб турарди. Кутилмаганда доскага чизилган скелет кўча ўртасида пайдо бўлди ва устоз томонга қараб юра бошлади. Скелет фақат суяклардан иборат эди. Бош суякнинг оғзи катта очилиб қаҳқаҳа отарди, лекин скелетнинг қўлида гул кўринмас эди. У устоз томонга юрар ва хунук овозда куларди. Уни кўрган устоз кўркиб кетди. Скелет тобора устозимизга яқинлашиб борарди ва шундай дерди:

- Уни менга бер, Ҳаётни менга бер!

Устознинг пешонасида тер доначалари ялтирарди. У бир даста гулга нигоҳ ташлади ва гулни бағрига яширди. Аста-секин юра бошлади. Скелет ҳам устозга яқинлашди ва деди:

- Гулни менга бер, ҳаётингни менга бер... Уни сенга мен берган эдим-ку!”²

Туш воқеаси баён этилган бу тасвирда ҳаёт ва ўлим ўртасидаги кураш рамзий воситалар орқали очиб берилади. Гул – тириклик, яшаш, ҳаёт, умр, борлиқ рамзи бўлса, скелет – ўлим, организмдаги ҳаётини фаолиятнинг тўхташи, тугаши, тирик организм ҳаётининг битишини ифодалайди. Ёзувчи сураткаш муаллимнинг ҳаётдан кўз юмганини тўғридан-тўғри баён этмасдан, ўқувчи-бола тушидаги рамзий воситалар орқали тасвирлаб беради. Бунда адиб

1 107 / 1345. «معلم رسم» - کابل 1345 / 107.

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Šahr-e telsem šode). “Mo‘allem-e rasm” – Kābul 107/1345.]

2 108 / 1345. «معلم رسم» - کابل 1345 / 108.

[Rahnavard Zaryāb. Dāstānhā. (Šahr-e telsem šode). “Mo‘allem-e rasm” – Kābul 108/1345.]

қахрамон рухий ҳолатининг кульминацион нуқтасини очиб беради. Шу ўринда, бехосдан ўзбек ёзувчиси Н.Эшонқул ҳикоялари кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки, Н.Эшонқул ҳам ўзбек ҳикоячилигида Р.Зарёб қахрамонлари сингари маҳзун, пессимистик кайфиятга мойил, хаёлпараст, ҳаёт фалсафасига чуқур шўнғиб кетувчи қахрамонлар ички оламини қаламга олади. Ҳаттоки, иккала ёзувчи ҳикояларидаги мавзу, мазмун-моҳият, касбдош қахрамонлар бир-бирининг такрорига ўхшаб кетади. Хусусан, Р.Зарёбнинг юқорида таҳлилга тортилган ҳикояси қахрамони Н.Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикоясидаги сураткаш тимсолини эсга солади. Р.Зарёбнинг пессимистик, ўйчан кўринишдаги қахрамони қиёфаси бу ҳикояда ҳам ёндош тасвирланади:

“Уни биринчи марта уйининг олдидаги эски ўриндикда чуқур ўйга толган ҳолда кўрган эдим. У қовоқлари солиқ, соқоли қирилмаган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, кўримсиз юзи тарих китобларида тасвирланган баджаҳл маъбудларнинг ҳайкалига ўхшаб кетар, унга қараган одамнинг юраги нохуш бир ҳисдан орқага тортарди.”¹

Иккала rassom ҳам бир хил услубда ижод қилади, ҳаётни, тирикликни – ўлимни рамзий тимсоллар воситасида акс эттиради. Ҳикоялар бошдан-оёқ тушкунлик кайфиятига йўғрилганлиги билан бир-бирига ўхшаб кетади. Р.Зарёб ҳаёт ва ўлим ўртасидаги зиддиятларни скелет ва бир даста гул воситасида тасвирласа, Н.Эшонқул маймун ва чол воситасида ифодалайди:

“Мен расмдаги манзарадан бир нафас тонг қолдим; суратда худди биринчи расмдаги ўрмон акс эттирилган эди. Фақат бу суратда маймун умидсиз, кўзларига ғам чўккан, юз-кўзида ҳаётдан нишона қолмаган, мункайган бир чолни ўрмон сари етаклаб кетарди.”². Н.Эшонқул ҳаттоки, ўлим ва ҳаёт рамзи акс этган сурат номини ҳикоя мавзуси даражасига кўтарган. Иккала адиб ҳикояларининг қахрамони ҳам воқеалар якунида вафот этади, бу жараёнга ҳикояда суратлар, қахрамонларнинг рухий ҳолати, ички кечинмалари-ю ўй-хаёллари воситасида ишора қилиб келинади.

Агар иккала ёзувчи ижодига синчиклаб назар солинса, уларнинг ҳикояларидаги нафақат мазмун-моҳият, балки мавзулар кўламида ҳам яқинлик кузатилади. Н.Эшонқулнинг “Тобут”, “Ўлик мавсум”, “Зулмат салтанатига саёҳат”, “Тун панжаралари” (қисса) сингари ҳикоялари Р.Зарёбнинг “Жаноза”, “Ўлган қуш”, “Тундаги гард” ҳикояларидаги мавзуларни эслатади. Асар қахрамонларининг хатти-ҳаракати, ҳолати, ички ва ташқи қиёфасидаги муштаракликлар эса иккала ёзувчининг ижодидаги яқинликни яққол акс эттиради. Қолаверса, бундай ўхшашликлар қахрамонлар характери янада кенгроқ англашга замин яратади.

Дарвоқе, Й.Солижонов таъкидлаганидек, “Психологик тимсоллардан фойдаланиш асарнинг бадий қурилмаси – сюжети ва композициясига, унинг образлари структурасига ҳам таъсир этмай қолмайди. Ёзувчи шартли-рамзий образларга мурожаат қилар экан, улардан ўзи танлаган мавзу ва муаммо, конфликт ва характерларни тўлақонли ифодалашга хизмат қилдиришни назарда тутди. Ўқувчига айтмоқчи бўлган фикрини, ижодий ниятини етказишда автор учун кенг кўламда образли мушоҳада юритишига имконият яратилади. Шартли-рамзий тимсоллар айниқса, характерлараро тўқнашувларни ифодалашда авторга жуда қўл келади ва ўқувчининг тушуниши учун енгил шароит вужудга келтиради.”³.

¹ Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам. “Янги аср авлоди”, -Т.: 2004. –Б.120.

² Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам. “Янги аср авлоди”, -Т.: 2004. –Б.131

³ Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси: филол. фанлари д-ри. ...дисс. –Т., 2002. –Б.191.



Ана шундай шартли-рамзий тимсоллар Р.Зарёб ижодини янада бойитди ва китобхонларда катта қизиқиш уйғотди. Юқорида таъкидлаганимиздек, адиб ижоди, унинг ҳикоялари афғон адабиётида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, афғон ҳикоячилигининг ривож ва тараққиёт босқичида Р.Зарёбнинг асарлари ўзининг янгича шакл-шамойили ва мазмун-моҳияти билан ажралиб туради, инсон ва ҳаёт воқелиги ўзига хос бадий усуллар ёрдамида ифодаланади.



ҒУЛОМ ҒАВС ХАЙБАРИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

ҲОЖИМУРОДОВ ҲОЖИМУРОД

тадқиқотчи, ТДШУ

Аннотация. Мазкур илмий мақолада таниқли афғон ёзувчиси ва адабиётшуносо, тадқиқотчи Ғулом Ғавс Хайбарийнинг ҳаёт йўли ва ижодий биографияси ўрганилади ва адиб ҳақида ҳозиргача маълум бўлган маълумотлар доираси кенг ёритилади. Унинг Ҳиндистондаги Дехли университетидаги ўқилиш даври ва Хайбарий Кобул радиосида суҳандон, “Паштун жағ” (“Паштун овози”) журналида мудирлик давлари кенг ёритилади. Ғулом Ғавс Хайбарий паштузабон ёзувчи сифатида танилганлиги ва ижодий фаолияти давомида у томонидан ёзилган бадий асарлари ўрганилади. Бадий асарларининг бош ғоялари ва у унда қўтарилган муаммолар борасида сўз боради. Бундан ташқари, мақолада Ғулом Ғавс Хайбарийнинг ҳозиргача нашр қилинган бадий асарлари ва тадқиқотларининг батафсил рўйхати ҳам келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: афғон адабиёти, паштузабон адабиёт, ҳикоянавислик, қисса, тарихий қисса, “Девона”, “Гулхан алангаси”, “Бўронлар”.

Аннотация. Эта научная статья исследует жизнь и творческую биографию известного афганского писателя и литературоведа, исследователя Гулама Гауса Хайбари и охватывает широкий круг информации об авторе, которая до сих пор известна. Также в статье широко освещается времена учёбы Хайбарий в университете Дели в Индии и его трудовая деятельность в качестве директора на радио и «Паштун Джаг» («Голос пуштуна»). Гулам Гаус Хайбари известен как писатель, говорящий на пушту, и его произведения искусства изучаются на протяжении всей его карьеры. В нем обсуждаются основные идеи произведения искусства и проблемы, которые оно поднимает. В статье также приводится подробный список ранее опубликованных произведений искусства и исследований Гулама Гауса Хайбари.

Опорные слова и выражения: Афганская литература, пуштунская литература, рассказы, рассказы, исторический рассказ, «Девона», «Пламя огня», «Штормы».

Abstract. This scholarly article examines the life and creative biography of the famous Afghan writer and literary scholar, researcher Ghulam Ghaws Khaybari, and covers a wide range of information about the author that is still known. His time at Delhi University in India and his tenure as director of the Khyber Pakhtunkhwa Radio speaker and the «Pashtun Jag» (Voice of Pashtun) magazine are widely covered. Ghulam Gavs Khaybari is known as a Pashto – speaking writer and his works of art are studied throughout his career. It discusses the main ideas of the work of art and the problems it raises. The article also provides a detailed list of Ghulam Gavs Khaybari's previously published works of art and research.

Keywords and expressions: Afghan literature, Pashto literature, storytelling, short stories, historical short stories, "Devona", "Fire campfire", "Storms".